



Юзинчи учрашув

Ассалому алайкум, азиз рўзномасевар ўқувчиларим! Бугун менинг қувончим шу қадар улканки, уни қалбимга сиғдириб Сиз азизларимга улашмоқчиман. Бонсини сўрайсизми? Шошилманг, ҳаммасини айтиб бераман.

Мана, салкам 21 йиллик танаффус ортда қолиб, 1991 йили қайта тикланганимдан сўнг Сизлар билан учрашиш ниятида юзинчи маротаба хонадонингизга қадам ранжида қилишим. Сизларни билмадим бу мен учун БАХТ!

Юзинчи учрашув... Шу лаҳзада беихтиёр ортимга бир ўгирилиб, Сиз билан ўтказган кунларимни бир-бир варақлашни лозим топдим.

Сизу менга қадрдон бўлиб қолган «Акс-садо», «Милиция тарихига бир назар», «Фидойи инсонлар ҳақида ҳикоялар», «Турмуш сабоқлари», «Зардали фикр», «Қорадорн-91», «Фикримни билдираман», «Куюнчалар минбари», «Яхши тажриба — кўпчилик мулки», «Бола тарбияси — умумхалқ иши» каби кўплаб рукнларим остида берилган «Оний лаззат оғриқлари», «Онамга ачинаман», «Қузғунларни енган прода», «Тунги ошиқ-маъшуқлар», «Дилфуза нега севгимни рад этди?», «Қабиллик ўчоғи», «Жиноят ва жазо» каби юз-

лаб мақолалар билан яқиндан танишсиз. Энг қувондиган томони шундаки, саҳифаларимда вужудингизда яшайтган ҳаётнинг асл қиёфасини кўряпсиз. Маънавий дунёси қашшоқ кимсалар — фоҳишаю дайди, ўғрию мутаҳамларнинг эътиқоди, сиринадиган саждагоҳи бойлик, мол-дунё эканлигига кун сайин амин бўляпсиз. Пул деб ҳатто имонини сотаётганларга гувоҳсиз. Жамиятимизга ёт бундай нопоклар қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришайтганини ўқиб боряпсиз. Кўча-кўйда юрганнингизда. Сиз ёнидан бепарво ўтиб кетган ўзлон милиция ходимининг хизмати нақадар масъулиятли, айна дамда Сиз оладиган оромдан у буткул бенасіб эканлигини сезяпсиз. Йўқ, дейсизми? Улар ҳам дам олади, дедингиз, назаримда. Тўғри вужуди дам олса ҳам, фикр-ўйи доимо хизматда бўлади.

Қаранг-а, гап билан бўлиб «Шанба учрашувлари», «Хатжилдларни очганда» саҳифаларимни унутмайсизман-а. Гапнинг индаллосини айтиб қўяқолай. Номлари келтирилган саҳифаларим билан маънавий оламингизга озиқ, руҳий дунёнгизга таскин бераётганидан ҳаяжанда мамнунман.

Бугун ихлосмандларим сони кун сайин ортмоқда. Бунда саҳифамга кўз югур-

тирган, қўлига қалам олиб менга мактуб йўллаган ҳар бир қадрдоним хизмати катта. Айниқса, саҳифамни ўзларининг ранг-баранг материаллари билан безаётган фарғоналик Эминжон Обидов, Ғуломжон Убайдуллаев, Абдуҳаким Аҳмедов, андижонлик Маъмуржон Болтабоев, Сирожиддин Ҳасанов, наманганлик Неъматжон Мамажонов, тошкентлик Анвар Назаров, Шавқиддин Самиев, Маҳкам Ҳакимов, Дилмурод Саидов, Холмуҳаммад Мўйдинов, Боқижон Холмирзаев, жиззахлик Илҳом Юнусов, самарқандлик Нишон Мелиев, қашқадарёлик Зубайдулло Муҳаммадиев, Нормамат Тоғаев, Чори Сатторов, бухоролик Зикрилла Неъматов, хоразмлик Саъдулла Бобоевларнинг хизматларидан жуда миннатдорман.

Хоҳласангиз, келгуси йил ҳам Сизнинг содиқ ҳамроҳингиз, ҳамфикрингиз, чин дўстингиз бўлиб қолишга тайёрман.

Бунинг учун қандай шартларни бажаришим керак, дейсизми? Ҳеч қанақа шарт қўймоқчи эмасман. Фақат эшигингизни (аниқроғи почта қутисини) ёпиб қўймайсангиз бас! Бунинг учун эса обуна бўлиш керак, холос.

Юзинчи юз кўришиш билан, азиз «Постда» мухлислари!



Одамхўр ушландими ёки йўқми?

Бир неча кун бурун айрим иттифоқ рўзномалари орқали «Интерфакс» агентлиги тайёрлаган кичикки-на хабарча дунё юзини кўриб, жамоатчилик ўртасида шов-шувга сабаб бўлди. Хабарда айтилишича, Қирғизистон жумҳуриятининг жиноят қидирув бошқармаси ходимлари «Интерфакс» мухбирига Ўзбекистондаги Фарғона шаҳрида фуқаролар ҳаётига суиқасд қилаётганида одамхўр Николай Жумағалиев ушланганини билдиришган. Инсон гўштини тано-вул этиш мақсадида 7 нафар аёлни ўлдирган бу аблаҳ телба деб топилиб, 1980 йили Тошкентдаги асаб касалликлари шифохонасига жойлаштирилган. 1989 йили Тошкентдан Олмаотага кўчириш пайтида Бишкек қўналгасидан қочиб кетган.

Агентлик тарқатган ахборот мазмунини шундан иборат. Ақлга сиғмайдиган жиноят содир этган ва узоқ вақт қидирувда юрган Николай Жумағалиев Фарғона вилоятида қўлга олинганлиги ҳақидаги тегишли маълумот ихтиёримизда мавжуд эди. Бироқ тергов ишида қийинчилик туғилмаслиги учун уни чоп этмай туришга қарор қилинган. Чунки шошма-шошарлик Н. Жумағалиевнинг алоқаларини аниқлаш тадбирини пучга чиқариши мумкин эди. У қандай йўл билан Бишкекдан Фарғонага келди? Шунча муддат давомида ким унга бошпана берди? Бошқа жиноятлар ҳам содир этганми? Тергов мана шундай чигал саволларга жавоб топиши керак эди.

Бу жинсий иш атрофида тикланган «сукунат девори»ни «Интерфакс» ёрдамида «Известия» ва «Комсомольская правда» рўзномалари бузди. Устига устак «КП» хабарга ўзидан ҳам қўшиб қўйди. Фарғона шаҳар ИИБ ва прокуратурасидагилар «КП» мухбирига 1991 йили ушланганлар ичида Жумағалиев деган шахс йўқлигини айтишибди. Хўш, одам-

хўр ушланганми ёки йўқми?

Энди оғизга сўк солиб ўтиришнинг ҳоқати йўқ. Шунинг учун биз Фарғона вилояти ИИБ бошлиғи биринчи ўринбосари милиция полковниги Ю. Невзоров билан боғландик.

— Юрий Иванович, «одамхўр» деб ном чиқарган Жумағалиев ҳибсга олинганми ёки йўқ?

— Ҳозир Фарғона шаҳридаги 10-тергов қамоқхонасида иккита ўғирлик ҳамда фуқаролар ҳаётига суиқасд қилишда айбланб Наримон Абаков ўтирибди. Унинг бошқа исм-шарифлари ҳам аниқланди: Николай Жумағалиев ва Николай Азилгараев.

— У қачон ва қаерда қўлга тушди?

— 16 апрелга ўтар кечаси (келинг, уни ҳозирча шундай деб номлайлик) Абаков Фарғона туманидаги Аввал қишлоғида иккита уйга ўғирликка кирди. Одамлар уни пайқаб қолиб, тутиб олиш учун қувишади. Шунда Н. Абаков қирқма милтиқдан ўқ узиб, икки кишини яралади. Туман ИИБ участка вакили ва ЖҚБ ходимлари кўпчилик ёрдамида ушланган шахсни тегишли жойга келтиришади.

— Унинг Жумағалиев эканлигини аниқлаш қийин кечмадими?

— Қирғизистонлик ҳамкасбларимиз жўнатган маълумотномада у уч хил исм-шариф билан юриши мумкинлиги айтилганди.

— Ўзини қандай тутяпти?

— Ичимдагини топлардан.

— «КП» хабари кўпчиликни чалғитмайдими?

— Улар Жумағалиевни сўрашган, бизда эса у Абаков сифатида ўтирибди. Бу биринчидан. Кейин уни Фарғона шаҳар ИИБ ва прокуратураси қамоққа олмаган. Шунинг учун бизга мурожаат қилишганда, маъқул иш бўларди.

Сухбатга шу ерда нўқта қўйдик. Ҳозирча Чунки махсус мухбиримиз воқеа тафсилотини батафсилроқ ёритиш учун Фарғонага жўнади. Келгуси сонлардан бирида бу мавзуга қайтиш ниятимиз бор.

Ғайрат БОЛТАБОВ.

ЎЗИМИЗДАН УЗОҚЛАШМАЙЛИК

Чақалоқ илк бор дунё юзини кўрганда ота-онасининг қувончи оламга сиғмайди. Лекин онладаги тарбиянинг носозлиги уни безорига ёки жиноятчига айлантириб қўйганда, меҳрибонларнинг дарди дунёни тўлғонади. Бироқ ўшанда ҳам фарзанди бонс чекаёт-

ган озорлари учун уни қаргамайди, оқ қилмайди. Буюк сабр олдида бошларини эгиб, худодан жигаргўшасига умр тилайди. Яхши кунларини сўрайди. Баъзан ўйлаб қоламан.

Агар фарзанди пешонасида ўғри, кесавур, қотил ёки безори деган ёзув билан туғилса, ота-она ўз фарзанди умрига ўзи зомин бўларди ёки... Ҳайлаб-ўйлаб жавоб топа олмайман.

Ҳозирги кунда ёшлар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳурмат йўқолиб кетган. Булар илдизининг, таъбир жоиз бўлса, озиқ моддалари — имоннинг, эътиқоднинг йўқо-

либ бораётганлигидир. Ўзимиздан мутлақо узоқлашиб, одамийликка ўт қўяётганлигимиздир.

Раҳимбой ЭШНИЕЗОВ, Хазорасп тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционерни милиция сержанти.

БАЙНАЛМИЛАЛЛИК — АМАЛДА

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Бобом Ҳайдарали охун ўзининг энг яқин қирғиз биродари — Жўрақул исмли киши билан оға-ини тутингандилар. Улар тез-тез дийдор кўришиб туришарди. Бунинг учун эса 65 километрлик масофани пиёда босиб ўтишга тўғри келарди.

Бундай яқинлик фақат менинг бобом ва Жўрақул оға ўрталаридагина эмас, балки жуда кўплаб ўзбек ва қирғизлар орасида ҳам мавжуд эди.

Бироқ азалдан сақланиб келаётган қўшничилик анъаналаримизга раҳна солувчи ғаламислар ҳам топилди. Гарчи улар ўз кўзлаган мақсадларига эриша олмаган бўлсаларда, ҳар қалай туғишган икки халқ қалби жароҳатланди.

Уша машғум воқеалар бошланган куниде барча соғлом фикрли кишилар оёққа турганди.

Давлат ишларини эндигина ўз зиммасидан соқит қилиб кексалик гаштини сураётган Уш вилояти ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи милиция генерал-майори Мирзаали Абдурахмонов яна жанговар постини эгаллади. У Аравон туманида бир неча жиноятчи унсурлар миллатлараро тўқнашув чиқаришга тайёргарлик кўраётганидан воқиф бўлиб, дарҳол ўша ерга жўнаб кетди. Халқ орасида ўзбек, қирғиз ва рус тилларида тушунтириш иш-

лари олиб борди. Ҳар икки миллат вакиллари бир-бирига гиж-гижлаётган, қон тўкилишидан манфаатдор бўлган кимсаларни қўлга олишда ташаббускор бўлди.

Шундан кейингина бу ҳудудда оммавий тартибсизликлар олди олинди.

Генералнинг тадбиркорлиги ва ақл-фаросати таҳсинлар айтган ҳалойиқ ҳукумат раҳбарларидан яна бу кишини ИИБ бошлиқлигига тайинлашларини талаб қилдилар.

Ҳозир у оғир кунларни эслашга ҳожат йўқ. Бироқ ўша воқеа сабаб биз қирғизистонлик ҳамкасбларимиз билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаб олдик.

Маълумки, Наманган вилоятининг Чуст, Қосонсой, Янгиқўрғон, Чортоқ, Уйчи ва Учқўрғон туманлари Қирғизистон жумҳурияти билан туташ минтақалар ҳисобланади. Шундай бўлгач, ҳаётнинг ўзи улар билан ҳамкорликда иш олиб боришимизни тақозо этади.

Учқўрғон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Асадулло Ғафуров ташаббуси билан вилоят ИИБ раҳбарияти ёрдамида Тошкўмир шаҳар ички ишлар бўлимига телетайп ва рақия ўрнатилди. Учқўрғон тумани ҳамда Қизилжар посёлкиси ИИБлари ўртасида ҳам телефон алоқаси йўлга қўйилди, натижада милиция ходимлари бир-бир-

ларига зарур маълумотларни тезда етказиш имкониятига эга бўлдилар. 'Амалга оширилган бу тадбирлар ҳозирда ўз самарасини бермоқда.

Кунларнинг бирида тошкўмирлик ҳамкасбларимиз Учқўрғон томонга шубҳали шахслар ўтирган автомашина бораётгани ҳақида шошилиш хабар бердилар. Зудлик билан кўрилган чора туфайли ўша машина тўхтатилди. Қирғизистонлик осойишталик посбонларини шубҳага солган бу кимсалар кўпдан буён наркотик моддалар билан шуғулланиб келаётган ашаддий жиноятчилар гуруҳи бўлиб чиқди.

Бир аёлнинг номусяга тажовуз қилган ҳамда унинг қимматбаҳо тақинчоқларини юлқиб олиб, яширинишга улгурган бадкирдорларнинг дарағи ҳам мана шу янги алоқа воситалари орқали етказилди. Натижада қонунбузарлар зудлик билан қўлга олинди ва уларнинг муқаддам содир этган яна олтига жинояти очилди.

Тобора мустаҳкамланиб бораётган ўзаро алоқалар ривожига катта ҳисса қўшаётганлардан яна бири Тошкўмир шаҳар ИИБ бошлиғи Тинибек Бегматовдир. У ҳозирги лавозимига 1990 йилнинг август ойида тайинланган. Тажрибали раҳбар миллий низолар авжига чиққан ўша оғир дамларда Уш шаҳрининг комендант эди. Ўзи-



нинг билимдонлиги, дунёқарашининг кенглиги ҳамда ширинсуҳанлиги билан ҳар қандай кишини ўзига ром қила оладиган Т. Бегматов кино санъати туфайли ҳам халққа танилган фидойилардан. Унинг «Бўри уяси» бадиий фильмида оператив ходим ролини маҳорат билан ижро этганлигини ким билмайди, дейсиз.

— Болалигимдан ўзбек халқининг меҳр-муҳаббатига қонганман, — дейди Тинибек оға. — Шунинг учун ҳам ўзбек қариндошларимизга ҳурматим жуда баланд. Иш юзасидан ҳамкорлигимизни жуда маъқуллаймаман. Қирғизистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон жумҳуриятларининг бошқа ички ишлар идоралари ўртасида бундай алоқаларни тезроқ амалга ошириш зарур.

Дарвоқе, яқинда Қирғизистон ва Ўзбекистон жумҳуриятлари совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари Шамолдисой посёлкисида бўлиб ўтган йиғилишида жиноятчиликка қарши ҳамжиҳатлик билан кураш олиб бориш, ота-болаларимиз анъаналари эъзозлаб давом эттириш ва уни ривожлантириш каби ҳар томонлама фойдали муаммолар муҳокама қилинди.

Неъматжон МАМАЖОНОВ, Наманган вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта йўриқчиси милиция майори.

СУРАТДА: Учқўрғон тумани ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Асадулло Ғафуров қирғиз ҳамкасби, Тошкўмир шаҳар ИИБ бошлиғи милиция майори Тинибек Бегматов билан суҳбат пайтида.



Собир Раҳимов тумани ички ишлар бўлими катта участка инспектори милиция капитани Равшан Алиев ҳамкасбларидан тажрибасини аямайди. Шунинг учун уни тез-тез участка

вакиллари, балоғатга етмаганлар билан ишлаш ходимлари даврасида учратиш мумкин. **Суратда:** Р. Алиев (ўнгдан иккинчи) сафдошлари билан. **С. МУСАЕВ олган сурат.**

САФИМИЗДА ШУНДАЙЛАР БОР

Маҳмуджон ИИБга ҳаётнинг аччиқ-чучугини, оқу қорани таниган ҳолда кириб келди. Қўқон автомобиль йўллари техникумини тамомлаган, қўшни Афғонистон жумҳуриятида йигитлик бурчини ўтаган Маҳмуджон ўзи туғилиб ўсган Поп тумани ИИБда милиционер-ҳайдовчи бўлиб ишлаш бошлади. Ўтган йили эса депара назоратчилигига тайинланди.

Шу йил 27 майда навбатчиликдан ҳориб уйга қайтаётган ходимнинг кўзи кўкдаги қоп-қора булутга тушди. Қўнгли бир нарсани сезгандан безовталана бошлади. Дарҳол «Пахтаобод» қишлоқ Шўросига келди. Қишлоқ Шўроси раиси Қ. Хасанов билан биргаликда Чуст тумани ҳудудига етишганида оқшом чўка бошлаганди. Катта ариқдан лойқа сув пишқирганча оқиб тобора кўтариларди. Маҳмуджон рақияни ишга солди. Туман ИИБ навбатчисини вазиятдан огоҳ этди.

Хиёл ўтмай туман партия қўмитасининг биринчи котиби Б. Рапиғалиев, ИИБ бўлими бошлиғи В. Қаюмовлар етиб келишди. Улар аянчли манзаранинг устидан чиқишди. Кўчаларда ярим метрдан юқорироқ, ҳовлиларда бир метрга яқин сел оқарди. Электр тармоғи ишдан чиққан. Зулмат қўйнида офат ваҳима соларди. Ҳадемай қўл фонарлари билан милиция ходимлари ҳозир бўлдилар. Улар биринчи навбатда қариялар, аёллар, болалар, мол-ҳол, паррандаларни хавфсиз жойга олиб чиққани киришдилар. Ҳамкасблари қатори белигача лойқа кечиб одамларни қутқаришдаги фидойилги участкасидаги аҳолининг, сафдошларининг ҳам Маҳмуджонга бўлган чексиз меҳ-



ри ва ишончини мустаҳкамлади. Тунги уч яримларда хавф баргараф этилди. Ҳаммага уйга кетгани рухсат берилди.

— Мен эрталабгача турарин, — бошлиққа юзланди М. Худойбердиев.

— Нега?
— Одамларимизнинг мол-мулки ташқарида. Бундай қалтис вазиятдан фойдаланувчилар...

У билан яна тўрт нафар ходимни қолдиришди.
— Раҳмат сизларга, — деди туман партия қўмитасининг котиби.

Бу лавҳа М. Худойбердиевнинг қайноқ фаолиятидан бир шингил, холос. Унинг касбига садоқати, жасурлиги ҳақида кўксидеги «ССЖИ Қуролли Кучларининг 70 йиллиги», «Афғонистондаги хизмати учун» нишонлари ҳам сўзлаб турибди.

М. НЕЪМАТОВ, жамоатчи мухбир.
Суратда: ўз касбининг фидойиси М. Худойбердиев.

ДУНЁ БЕХАБАРЛАР

— Ота, қовуннинг кидоси қанча?
— Бир сўм. Олинг, мазаси озгинагизда қолади.
— Сал тушинг, отахон, бу пайтда ўтган йили каттасини бир сўмга олардик.
Бу каби савол-жавоблар деярли ҳар кунни жаминки бозоримизда бўлиб ўтади. Қовун-тарвузлар бозорга ўзгача фойда беради. Кичикдан тортиб каттагача уни севиб истеъмол қилади. Лекин айтиш керакки, бу йил бозорларимизда меваю қовун-тарвузлар ҳам ҳар қачонгидай мул эмас. Бу биринчидан баъзи вилоятларда юз берган табии офатлар туфайли бўл-

са, иккинчидан...
2 август кунини Бекобод тумани «Авангард» давлат хўжалиги ишчиси Қ. Дадабоев ва «Москва» давлат хўжалиги ишчиси А. Норингитовлар Бекобод шаҳар ИИБ ходимлари томонидан ушланишди. Улар 3.250 килограмм тарвуз, 750 килограмм қовунни қўшни Тожикистонга олиб чиқиб кетаётган эдилар.
7 август кунини «Победа» жамоа хўжалигидан 5 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ортиб, жумҳурият ҳудудидан ташқарида сотмоқчи бўлган Д. Аҳмедовнинг нияти пучга чиқди.

9 августда А. Шербатов 3 тонна қовун, Б. Исмоилов 4 тонна тарвуз, Н. Хўжаматов 360 килограмм қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўзгаларнинг ҳам оғзи тегсин, деб олиб кетаётганларида, милиция ходимларига дуч келишди.
Ўзи туғилиб ўсган тупроқнинг неъматларини ҳамюртларига раво кўрмаган бундай инсонларга наҳотки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жумҳурият ҳудудидан ташқарида рухсатсиз олиб чиқиб кетишни таъқиқлаш ҳақидаги қарор ҳам таъсир қилмаса? Еки бозордаги нарх-наволардан беҳабармиканлар?
М. ИВРОҲИМОВА.

КУТУЗОВСҚДАГИ ҲИМ

1984 йил 13 декабрь куни соат 14¹⁵ да Бош ҳарбий прокурор ҳузуридаги муҳим ишлар бўйича катта терговчи адлия полковниги В. Миртовнинг ҳаёлини телефон қўнғирогини бузди. Шчелоковнинг ўғли отаси ўзини уйда отиб қўйганлигини хабар қилди. Бош ҳарбий прокуратуранинг бир гуруҳ ходимлари ҳодиса жойига етиб келишганда, бутун Шчелоковлар оиласи шу ерда эди. Жонсиз Николай Анисимович юзубан ётарди. Уқ бошининг ярмини ўпириб кетганди. Эғнидаги армия генералининг байрам мундирига «Уроқ ва Болға» медали (кўчирмаси), 11 та совет ордени, 10 та медали, 16 та хорижий мукофот ва ССЖИ Олий Кенгаши ноибни нишонни тақилганди. Ичида ёқавайрон кўйлак, бўйинбоғи йўғиди, оёғида эса шиппаги. Шчелоков гавдаси остида тигига «Гастин-Раннет» (Париж) заводининг муҳри урилган 12-калибрли чақмоқсиз милтиқ ётарди. Ошхонадаги журнал столдан иккита папкада ҳужжатлар ва 19395 рақамли «Уроқ ва Болға» медали, тушлик столдан эса ҳамён топилди. Ҳамёндан 420 сўм пул ва куёвни номига ёзилган хат чиқди. Шчелоков куёвидан далаҳовлидаги газ ва электр энергия ҳақини тўлашни, хизматкорлар билан ҳисоб-китоб қилишни сўраган. Шчелоковнинг ўғли эса отаси ўлими олдидан ёзиб қолдирган иккита мактубни кўрсатди. Биринчиси болаларига аталган бўлиб, иккинчиси — К. У. Черненкога. Унда Шчелоков Сийсий Бюро аъзолари билан хайрлашган, қонунчилигини бузмагани, фирқа йўлидан четга чиқмагани, давлатдан ҳеч нарса олмагани ҳақида уларни ишонтирган. Хат қўйидаги сўзлар билан тугалланганди:

«Сизлардан мен ҳақимда оғзи полвонлар тўхматини авж олдирмасликларингизни илтимос қиламан, чунки бу билан беихтиёр барча даражадаги раҳбарлар обрўйига тил тегизишади. Жаннатта Леонид Ильичга қадар буни ҳамма ўз вақтида бошидан ўтказган. Мени кечирингизнингизни сўрайман. Ҳурмат ва меҳр-муҳаббат билан Н. Шчелоков». Ва 1984 йил 10 декабрь санаси қўйилган.


Мана Бош ҳарбий прокуратураси тергов идоралари қароридан бир шингил:

«Шчелоковнинг жиноий ҳатти-ҳаракатлари туфайли давлатга жами 500 минг сўмдан зиёд зарар етказилди. Уни қоплаш мақсадида 296 минг сўмлик буюмларни Шчелоков ва оила аъзолари қайтарган, шунингдек, тергов идоралари мусодара этган, 126 минг сўм пул нақд топширилган.

Шундай қилиб Шчелоков Н. А. мунтазам равишда гаразли мақсада ўзининг масъул хизмат лавозимини сунистеъмом қилиб, давлатга сезиларли зиён етказган ва бу билан РСФСЖ ЖМнинг 260-моддаси «а» бандида кўзда тутилган жиноятни содир этган. Шчелоков Н. А. 1984 йил 13 декабрь куни ҳаётини ўз-ўзини ўлдириб билан тугаллагани учун унга нисбатан жиноий иш қўзғатиб бўлмайди».

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

К. Столяров
ТУЗУМ



фарзанди




АСЛ ҚИЁФАСИ ҚАНДАЙ ЭДИ?

К. СТОЛЯРОВ. Ҳазимизнинг ҳа- толаримизни бурчини бажариш қис- си билан қўлга қиритилган ютуқлар- дек кўрсатиш қоллари хотирамда шу даражада кўп сақланиб қолган- ки, улар ҳисобининг адоғи йўқ. Вақт ўзгаргандек ва ҳамма нарсани ўз номи билан аташ пайти келгандек туюларди... 1989 йил 15 декабрь куни «Правда» рўзномасида «Қиё- фа ва ниқоб» мақоласи пайдо бўл- ди. Унда КПСС МҚ ҳузуридаги фирқа назорат комиссияси раиси- нинг собиқ ўринбосари И. С. Гус- товнинг Шчелоковнинг қонунга хи- лоф ҳатти-ҳаракатларига ҳақиқий баҳо бериш чўзилиб кетиши Ю. В. Андроповнинг оғир касаллиги ва бундан ташқари унинг бошқа одамга айланиш жараёнини тўла кўрсата оладиган муфассал фирқавий тек- шириш зарурати билан изоҳланади, деган фикрлари келтирилган. Анти- қа ҳолат: Шчелоков 1983 йил ян- вар-февралда амалда давлат ҳази- насидан ўмарганига иқроп бўлган, фирқа идоралари эса салкам икки йил давомида унинг шахсий ишини кўриб чиқмадилар. Нега? Албатта, газабни қўзғатадиган айрим факт- ларга қараганда «бошқа одамга ай- ланиш жараёнини» текшириш мақ- бул. Бироқ бу жараёни акс этти- риш йиллар давомида аччиқ ичкадек чўзилаверади. Бу эса одамларнинг ҳаққоний қаҳр-газабини қўзғайди, халқ кўз ўнгига фирқа обрўсини тў- кади. Сиз бу қақда нима дейсиз?

А. КАТУСЕВ. Бир бошдан — Андропов ва унинг хасталигидан бошласам. У мукамал маълумотта

эга эди. Қаттиққўл одам бўлиб, иш- ни охирига етказмаган ходимларига бунинг эслатиб қўйишга ҳожат йўқ эди. Оғзидан чиққан кўрсатма сўз- сиз бажариларди. Шунинг учун унинг хасталигига ишора қилиш ҳақиқатдан қочибдан бошқа нарса бўлмаса керак. Менинг фикри охи- римча, Шчелоковнинг ИИВдан, ярим йил ўтар-ўтмас КПСС МҚ аъзоли- гидан қувган Андропов шунинг ўзи етарли, деб ҳисоблаган. Бу Шчело- ковнинг Калинин билан юзлашти- ришда берган кўрсатмасида ўзининг хиёл тасдиғини топди: «МҚ менга зарарни қоплашга ва шу билан ишим- ни ёпиб ташлашга рухсат берди».



СУРАТДА: Н. Шчелоков Герма- ния Демократик Ҳукумати Дав- лат Кенгаши Раиси, Германия Бир- лашган Социалистик фирқаси Бош

К. С. Демак, қилғиликни қилдинг, энди кўзимга кўринмагин эканда?

А. К. Андропов ва Шчелоков Ку- тузов кўчасидаги 26-уйнинг бир йўлида яшайвердилар. Собиқ ва- зирнинг у ердан кўчиши ҳақидаги масала умуман кўтарилмаганди. Шунинг учун «кўзимга кўринма- гин...» жумласи унчалик тўғри кел- майди. Уйлашимча, Андропов мам- лакаат сийсий раҳбариятига доғ ту- шишини хоҳламаган, шунинг учун Шчелоковнинг ҳарбий унвонига ҳам, фирқа билетига ҳам тегмади. Фирқа назорат комиссиясидаги ўртоқлар- нинг Шчелоковни жавобгарликка тортишга иштиёқи зўр бўлгани эҳ- тимолдан ҳоли эмас, бироқ уларга энг асосийси — юқорининг ижозати етишмасди. Шчелоков ҳақиқатдан кўп нарсани биларди, агар тепки- лашни бошлашса, тилга кириб кети- ши мумкин эди...

К. С. ...Брежнев ва Черненко ик- ковини қўшганда ҳам, Андропов улардан устун бўлсада, у энг авва- ло буйруқбозлик-маъмурчилик тузу- ми раҳнамоси сифатида, сийсатчи сифатида Шчелоковнинг тилга ки- ришинга ҳожат йўқ, деб ҳисобларди- ми?

А. Н. Ҳар ҳолда у тузум обрў- эътиборининг тўкилишини истамас- ди. Мана бу факт ҳам бундан дало- лат бериб турибди. Чурбановнинг кирдикорларини била туриб, уни вазифасидан бўшатмади ва КПСС МҚ аъзолигига номзодликдан чиқар- мади.

К. С. «Қиёфа ва ниқоб» мақоласи- да Шчелоков Чурбановдан қалқон сифатида фойдалангани уқтирилган. Сизнинг фикрингиз қандай?

(Давоми бор).

қотиби Эрих Хонеккер билан Берлин- да учрашган пайти.

(Сурат 1976 йили олинган).

АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Кейинги пайтларда жино- ятчилигининг ўсиб боришидан ташвишланувчилар, «Мили- ция қаёққа қараяпти?» — деб аюҳаннос солувчилар кўпайиб қолди. Мен улар- нинг саволларига савол бил- ан жавоб қилгим келади: «Ўзингиз қаёққа қарая- сиз?»

Ишончим комилки, бу мулоҳазаларим кўпчилигига унчалик ботмайди, мен ҳа- қимда: «Ўз бармоғини ким ҳам тишлай оларди» — деб ўйлашлари табиий. Лекин холисанилло айтадиган бўл- сак, аҳиллиги кучли оилага бошқа одам бош суқмайди. Маҳбубахон ўйлаб қараса, кекса онасини кўрмаганига ҳам ҳафта бўлибди. «Кел, бир хабар олиб келай, улар ҳам ғанимат бўлиб қолиш- ди», — деб ўйладида, кеч- га томон эшигини қуяфлаб, йўлга чиқди.

Она-бола роса гурунгла- шишди. Соат чамаси ўнлар- да эшик тақиллади. Очишса, ўзининг қўшнилари. Юраги ҳаприқиб кетди.

— Нима гап, тинчликми? — Ҳа, тинчлик, — де- ди М. Ҳўжамназаров, — уйингизга ўғри тушган экан, ушлаб олдинг...

Ниҳоят, бу иш судда кў- риладиган бўлди. Қора курси- га 1956 йилда тугилган, миллати татар бўлган Ри- шат Муҳаммадиев ўтир- ди.

— Кўчада қўшнилари З. Жалолов, Р. Бозоров, И. Мамажоновлар билан ўзаро суҳбатлашиб турганди. — деди суд ишида гувоҳ сифатида иштирок этаётган М. Ҳўжамназаров, — ким-

дир Маҳбубахоннинг очиқ турган деразасидан ташқа- рига палос ташлади. Маҳ- бубахон онасиникига кетган- ини билардим. Ҳайратим ошиб, воқеани кузата бош- ладим. Шерикларим ҳам. Кейин кимдир ақлақандай юкни ниқирлатиб олиб чиқ- ди. Ўғирланган молларни кўтардида, кета бошлади. Машинада бир зумда унга етиб олдиқ. Қарасак, ма- нови экан, — дея судла- нувчи Ришатга ишора қил- ди. — Кейин уни милиция- га топширдик, йўл-йўлакай Маҳбубахонни ҳам бу иш- дан хабардор қилдик.

Ҳа, ўша куни маст бўл- ган Ришат уй бекас йўқ- лигидан фойдаланиб, унинг хонадонидан иккита палос,

14 шиша «Рус ароғи», бир жуфт эркаклар этиги, бит- та аёллар жун рўмоли — ҳаммаси бўлиб 878 сўм 40 тийинлик буюмни ўмариб чиққанди.

— Ўша куни Раҳимжон- нинг уйида ишлаб, кечқу- рун ош еб, ароқ ичган- дик, — дейди судланувчи. — Кейин кўчага чиқдим. Жуда чекким келди. Аммо ёнимда сигарета йўқ эди. Юриб-юриб Эгамбердиева хонадонига бориб қолибман. Сал қўлим тежанига дера- за ойнаси синиб кетди. Кейин мастликда...

Ниҳоят, жабранувчига сўз берилди.

— Яхшиямки, қўшнилари- м бор экан, — деди Маҳ- бубахон гувоҳларга миннат-

дорона нигоҳ ташлаб. — Улар бўлмаганида ёки кў- риб-кўрмаганликка олган- ларида борми, хонумоним куйиб кетарди. Бу нопок эса ўша куни барибир икки шиша ароғни гумдон қил- ган экан. Ҳалигача пулини қайтаргани йўқ. Суд ҳайъа- тидан унга нисбатан қаттиқ чора кўришни талаб қила- ман!»

Риштон тумани халқ су- ди томонидан унинг талаби қондирилди. Ришат Муҳам- мадиев УЗССЖ ЖМнинг 125-моддаси 3-қисмига би- ноан айбдор, деб топилди. Умрининг 2 йилу 6 ойини умумий режимли аҳлоқ тузатиш муассасасида ўт- каздиган бўлди.

Ана шунақа, агар ма- ҳалла-кўй аҳил бўлса, ми- лиция хизматига ҳожат йўқ.

Али ЭРДОН.

“АҚЛИ ЗАИФ” ЗУРАВОН

Самарқандлик Саидахмад Жалилов жиноятчиликнинг чиркин дунёсига бундан кўп йиллар муқаддам қадам ранжида қилган. Бунга унинг К. исмли йигитга оғир тан жароҳати етказгани сабаб бўлганди. Сиеб тумани халқ суди Жалиловнинг бу ишини уч йиллик мажбурий хизмат жазоси билан баҳолаганди.

1981 йил 5 январь кунини жаза муддатининг туғашига бир ярим йилдан кўпроқ вақт қолган пайтида у иккинчи марта жиноятга қўл урди. Тўғрироғи, қароқчилик қилди. Боғишамол тумани халқ суди бу сафар унга нисбатан ЖМнинг 127-моддаси 2-қисмига асосан жаза тайинламоқчи эди, бироқ...

— Хурматли суд иштирокчилари, — деди С. Жалилов, — Мен бу жиноятга билиб туриб қўл урганам йўқ. Баъзан миям айниб, нима қилганимни ўзим ҳам тушунмайман.

Айни пайтда суд ҳайъатида табиб хулоса бор эди. Ва унда судланувчи руҳий даволанишга мажбурияти айтилганди. Шу боис, у жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Орадан саккиз йил ўтгач, С. Жалилов навбатдаги қонунбузарлиги учун ҳибсга олинди. Лекин бу сафар ҳам «ақли заиф» қонунбузарга тегишли чора қўриш имкони бўлмади. Фақат жум-

хурият руҳий касалликлар шифохонасига жўнатиш билан чекландилар.

С. Жалилов бу ерга келгандан кейин ҳам ашаддий безори сифатида донг таратди. Айтгани-айтган, дегани-деган бўлиб қолди. Кунлар, кунлар кетидан ойлар бир-бирини қувлашиб ўтаверди. Ана шундай кунларнинг бирида яшин тезлигида тарқалган совуқ хабар барчани бирдек сескантириб юборди. Бемор Е. Букляков чавақлаб ўлдирилган, унинг ён-верида даволанаётганлар саросимада қолишганди.

Текширув давомида бемор Пермьяковнинг ёстиғи остида марҳумнинг умр гулини сўлдирган қонли пичоқ топилди. Биринчи сўроқ пайтидаёқ унинг ўзи ҳам қотилликни бўйнига олди. Ишга эндигина яқун ясалаётган пайтда... ҳамма ишлар аксинча эканлиги маълум бўлиб қолди. Ҳамшира Л. Ишеева соат 15 да Пермьяковга ухлатадиган укол қилинганини айтди. Маълум бўлишича, бу уколнинг таъсири 12 соат давом этаркан. Қотиллик эса тахминан соат 20 ларда содир этилган. Соат 24 ларда Пермьяков ухлаб ётганда унинг ёстиғи остидан якка-ягона ашвёвий далил — пичоқ олинган.

Хўш, унда нима учун у «емаган сомсага пул тўлаш»ни зиммасига олди?

Бу иш қай даражада чи-

гал ва мушкул бўлмасин, барибир ҳақиқатнинг тагига етишга эришилди. Воқеа бундай бўлган экан.

С. Мулярчик С. Жалиловнинг илтимосига биноан унга нарда ясаб беради. Лекин Жалилов хизмат ҳақини беришдан бўйин товлайди. Уларнинг даҳанаки жанжалларига шохид бўлган Е. Букляков эса келишмовчиликни адолат юзасидан ҳал этмоқчи бўлади.

— Ўзинг илтимос қилгансан, охиригача инсофли бўлда, — дейди С. Жалиловга. — Ҳақини бер унинг!

Табиийки, шифохона «ирро»га бундай дашном ёрмайди. Соат 20 ларда олдида зир титрайдиган Алиқулов ва Капитоновларни чақиради. Учовлон Букляковдан қандай бўлмасин, ўч олиш режасини тузишади. Санитар Тожикбоевни чақиривади, таъйин ўтказишади.

— Қани, тез бўл, — дейди С. Жалилов санитарнинг орқа курагига пичоқ тираб. — Жонингдан умидинг бўлса, биринчи ва иккинчи бўлим эшикларини оч!

Эшик очилгач, биринчи бўлимдан С. Мулярчикни, иккинчи бўлимдан Е. Букляковни ташқарига олиб чиқишади. Шу заҳоти Е. Букляковни дўппослаб кетишади. «Ақли заиф қаҳрамонимиз» эса унинг бўйин аралаш курагига, курагининг юрак қисмига, ўнг томонига, жағига кетма-кет саккиз марта



пичоқ уради. Букляков гуллаб йиқилади ва жон таслим этади.

— Эсингдан чиқмасин, оғзингдан гуллама, — дейди қотил санитарга жасадини кўрсатиб. — Бунини Пермьяков ўлдирган.

Бу қабиҳликка гувоҳ бўлганлар — шифохона хизматчиси ҳам, Капитонов, Алиқулов, Пермьяков ҳам нафаси ичиди эди.

Мулярчик эса иккинчи оёғи бир этника тиқилгач, бўлган воқеа ҳақида кўргазма беришга берди ваҳимага тушиб қолди. Чунки С. Жалиловдан ҳамма нарсани куттиш мумкин. Шу боис у ўзини осиб ўлдириб, ҳамма азобдан бир йўла қутилишни афзал кўрди.

Саидахмад Жалилов эса яна ўзини «жинни»ликка солмоқчи эди — бўлмади. Мутахассислар уни обдон текшириб, ҳеч қанақа руҳий касал эмаслигини тасдиқлашди.

Собир Раҳимов тумани халқ суди эса ваҳшийликни касб қилиб олган устаси фаранг қотилини жиноят мажмуасининг 81-моддасига асосан тўғриқиз йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Мўйдин СУФИ.

ҚУЛАШ

Мўъжазгина, суд залида аччиқ қисмати туғилди. Раис ўқиётган ҳукмнинг ҳар бир сўзи зарбасидан боши тобора қуйи тушаётган йигитга беш йил муддат давомида эрк ҳиссини соғиниш, ўзлик тизгинини йўқотиш раво кўрилди.

Бўладиган иш бўлиб ўтди. Шунинг учун кечаги озод фуқаро, бугун ҳуқуқи чегирилган маҳкум исм-шарифини кўпчиликка ошкор айлашни маъқул топмадим. Зеро у қайтадиган хонадонда бу воқеага бедахл рафиқаси, яқинлари, қишлоғида эса ёр-биродарлари бор. Уларнинг битмаган яраларига туз сепиш ҳам инсофданми?

... — Ҳо, Сўхга олиб бормай кўринг-чи, нима қилар эканман? — нозланди Муҳайё.

Ботир ясама қўрқувга тушди.

— Нима бўлади?!

— Олиб боринг, акажон, синглимининг кўзи ёрибди. Бизни ҳам йўқлашар, ахир.

У Муҳайёнинг ишорасини англади. Хуштори иккиқат эди. Боши қотди. Сўх дегани бир қадам бўлса экан. Тоғ оралаб 50 қақиримча йўл босиш керак.

Улов зарур. Муҳайёнинг сазасини ўлдириб ўзи учун азоб. Бирор нарса ўйлаб топар. Бош қотиришга эса вақт бисёр. Қачондан бери тайинли иш этагини тутгани йўқ.

— Муҳайё, эртага тайёр тур.

Игирма тўрт ёшни қоралаган Ботир чошгоҳга яқин қўшини Умаралини йўқлади. Узоқ чақирди. Тоқати тоқ бўлгач, ҳовлига қадам босди.

— Умарали, ҳой, Умарали!

Яна сукунат. Уй эгалари қаёққадир кетишган кўринади. Дарвоза яқинида эса Ботирнинг кўзини қамаштириб, «Ява» турарди.

Қушдек учаётган мотоциклда «ёри» билан Сўх томон борар экан, бировнинг шахсий мулкни олиб қочиш жиноятлигини ҳаёлига ҳам келтирмасди. Муҳайёнинг қувонганини айтмайсизми. Синглисидан ҳол-аҳвол сўрашиб, Риштонга қайтаётганларида эса қувончи дунёга сизмасди.

Унинг кайфияти Ботирнинг қонини кўпиртириб, мотоцикл тезлигини оширди. Сўх сув омборининг Умбара қишлоғи яқинида кўтарилган тўғони дамбасида Ботир рулини эплай олмаган улов пастга аганаб, шопилоғга кириб кетди. Болғина хандон отаётган Муҳайё ранги бир ҳолатда касалхонага етказилди. Зудлик билан кўрсатилган тиббий ёрдам унинг ҳаётини сақлаб қололмади. Чунки ҳалокатда жигари ёрилиб кетган экан. Қорнидаги 26 ҳафталик ҳомила ҳам нобуд бўлди...

Енгил жароҳатланган Ботир олдини Муҳайёни турмуш ўртоғи сифатида таништирди. Милиция ходимлари сўроқ-жавобга астойдил киришганларидан сўнг ростига кўчди. Муҳайё жазмани эканлигига, ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлигига, мотоцикли олиб қочганлигига иқрор бўлди.

Тўғондаги воқеа оилали Ботир босган чакки қадмининг мантиқий маҳсули эди. Унинг қулаши рафиқасига хиёнат қилган кундан бошланган...

Қул ТЕГИН.

ТАНҚИДИЙ ХАБАР

«УЙҚУ»ДАГИ ТАШВИШОҒОҲ

Зомия туманида миш-миш тарқалди.

— Эшитдингизми, кунин кеча Ленин майдонида жойлашган «Союзпечать» дўконига ўғри тушибди.

— Менинг хабарим бор бўлиди, лекин ўзингиз оёқ кийими созланадиган устахонага, шу устахонага рўпарама-рўпара турган аёллар безакхонасига ҳам ўғри тушганини эшитмаган кўриясиз...

Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Бу миш-мишлар асоссиз эмас, асосли. 29 июль кунин, афсуски, тумanning энг марказий жойида шундай воқеа юз берди. Ҳойнаҳой, ўғрилари бу ишга хайрон бўлаётгандирсиз? Катта-катта дўконларга эмас, айнан рўнома сотиладиган дўкончага, пойафзал созланадиган устахонага ва аёллар безакхонасига нопоклар «қадам ранжида» қилиши сизни ҳангманг этгандир?


Чуқурроқ ўйлаб қаранг, бунда унчалик таажубга тушадиган томонлари йўқ. Катта дўконни ўмариб, юрак ҳовуллаб юрган яхшимни ёки «озгина бўлса ҳам созгина» олиб, ялло қилганми? Албатта, иккинчиси.

«Союзпечать» дўконини мудир Р. нинг айтишича, ўғирлик кеч соат ўнларда содир этилган. У шонилиб туман ИИБга хабар қилган. Лекин

милиционерлар келгунча... тунги шарпалардан ном-нишон қолмаган. Қулф бузилган, ҳатто эшикнинг ўзи ҳам синдирилган. 642 сўмлик сигарета, турли суратлар ва бошқа буюмларни олиб чиқиб кетишган. Пойафзал устахонаси ва аёллар безакхонасида ҳам аҳвол шундай. Ҳозир бу иш билан участка вакили милиция катта лейтенанти Қаршибой Йўлдошев шуғулланмоқда. Биз яқин келгусида «узоқнинг донидан яқиннинг сомони»ни афзал кўрган «тадбиркор»ларни рўномамиз ўқувчиларига таништириш ниятидамиз.

Ҳозир эса Зомия тумани ИИБ раҳбариятига битта гапни айтиб қўймоқчимиз. Юқорида айтилган ўғирлик юз берган жойларга ташвишгоҳ қурилмалари ўрнатилган. Лекин эшиклар синдирилсада, улар у ҳақда милиция ходимларини хабардор қилмаган. Нега? Чунки бирортаси ҳам нўламайди. Бу эса ўғриларга мойдек ёққан. Агар ИИБ ҳузурдаги қўриқлаш бўлимининг мутасадди ўртоқлари бунга вақтида аҳамият берганларида эди, ортиқча ташвиш бўлмасди, қолаверса, давлат мулки ўғирлик йўли билан талон-торож қилинмасди.

Илҳомжон ЮНУСОВ,
«Постда»нинг жамоатчи мухбири.



Хоразм вилояти ИИБ ДАН бўлимига корхона ва ташкилотлардан 56 нафар янги ходим ишга олинди. Улар махсус тайёргарликдан ўтказилмоқда. Шунча одамни Тошкентга ёки Фарғонага юбориш қийин. Шу боис янги ходимларни ишга ўргатиш мақсадида 86 соатлик ўқув машғулоти ташкил этилди.

СУРАТЛАРДА: машғулот пайти; ДАН бўлими катта назоратчиси милиция капитани Сапарбой Назаров, бўлим бошлиғи милиция майори Озод Шамсиддинов ва назоратчи милиция капитани Ғулом Самандаровлар тингловчидан имтиҳон олишяпти. Сураткаш Саъдулла БОБОЕВ.



Мухаррир

Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир,

муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегияси МВД УЗССР

26609 нусхада чоп этилди.